

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқ бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ № 153 (9.956) 2003 ЙИЛ 6 АВГУСТ

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### Электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қатъи айтиди, иқтисодиётнинг бир қатор тармоқларида электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш бўйича номақбул ҳолат сақланиб қолмоқда. Энергия учун тўлов бўйича қарзларнинг кўпайиши, ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини нотўғри акс эттириши, электр ва иссиқлик энергияси бериш тармоқларига рухсатсиз унаниш ҳолларига йўл қўйилмоқда. «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти томонидан мазкур камчиликларни бартараф этиш, тўлов мuddати ўтган қарзлари бўлган истеъмолчиларга энергия берилишига йўл қўймаслик бўйича муфассал чора-тадбирлар кўрилмаган.

Узаро ҳисоб-китоб қилишда тўлов интизомини кучайтириш, етказиб берилаётган электр энергияси учун истеъмолчиларнинг барча тоифалари томонидан ҳақнинг сўзсиз тўлинишини таъминлаш, энергетика комплекси корхоналарини замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси раҳбариятига электр энергиясини узатиш вақтида унинг исроф бўлиш даражасини камайтириш бўйича амалга оширилаётган ишларининг етарли эътибори, етказиб берилаётган электр ва иссиқлик энергияси учун истеъмолчилар томонидан ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши, уларни ҳисобга олиш приборларидан тўғри фойдаланилишини таъминлаш юзасидан талабчанликнинг суъсайтириб юборилганлиги ва зарар нозоратнинг йўқлиги кўрсатиб ўтилсин.
2. «Ўздавэнерго-назорат» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда:
  - электр ва иссиқлик энергияси ўғирланиши, ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг нотўғри акс эттирилиши, электр ва иссиқлик энергияси узатиш тармоқларига рухсатсиз унаниш, шу жумладан «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси корхоналари ходимлари томонидан улаб бериш; истеъмолчиларда ўрнатилган электр ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари ҳолатини текширишга ва кўрсаткичларини ёзиб олишга тўқсинлик

қилиш ҳоллари аниқланган тақдирда айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган жиноий жавобгарликка бўлган даражадаги жавобгарликка тортинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки: 2003 йил 1 сентябрдан бошлаб, аҳолидан ташқари, истеъмолчиларнинг барча тоифалари учун «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси томонидан бериладиган электр ва иссиқлик энергияси учун бир ойлик истеъмол ҳажмининг 30 фоизи ҳақини мажбурий равишда олдидан тўлаш жорий этилади, яқуний ҳисоб-китоблар 60 кун мобайнида амалга оширилади;

истеъмолчининг ҳисоб-китоб қилинадиган даври бошлангунча ҳақни олдидан тўламаган ёки яқуний ҳисоб-китобни ўз вақтида амалга оширмаган энергия истеъмолчиларига энергия бериш тўхтатилади; тўлов мuddати ўтган қарзи бўлган электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларини узиб қўйиш ҳамда уларни қайтадан улаш бўйича ҳаражатлар истеъмолчиларнинг ўз ҳисобидан қопланади;

электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси корхоналаридан 2003 йил 1 сентябргача вужудга келган қарзлари Ҳисоб-китоблар механизмининг тақомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган жадваллар бўйича тўлиниши керак.

4. Ҳисоб-китоблар механизмининг тақомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси бир ой мuddатда: истеъмолчиларнинг молиявий аҳолини ҳисобга олган ҳолда, электр ва иссиқлик энергияси учун 2003 йил 1 сентябргача вужудга келган қарзларни;

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси корхоналарининг бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича, ёқили ва темир йўл ташувлари учун қарзларини тўлаш жадвалларини тасдиқласин ва уларнинг бажарилишини қатъий назоратта олсин.

5. Энергия сарфи кўрсаткичларини бузиб кўрсатишдан ҳимоя қилиш ва узатиш тармоқларидаги электр энергияси йўқоти-

лишини аниқлаш мақсадида «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси;

истеъмолчиларда ўрнатилган электр ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ҳар ойда ёзиб олинишини таъминласин, электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузувчиларга нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини кўрсин; электр тармоқларини ва электр энергиясидан фойдаланувчиларни электрон ва бошқа замонавий ҳисобга олиш приборлари билан қайта жиҳозлаш тадбирларини тасдиқлаш учун икки ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. «Ўздавэнерго-назорат» агентлиги ва «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда электр энергиясини узатишда унинг магистрал ва тақсимлаш тармоқларида исроф бўлишининг йўл қўйиладиган чекланган нормативларини тасдиқласинлар;

қуввати 10 киловаттгача бўлган электр қурilmаларини электр тармоқларига улашда ҳужалик юритувчи субъектларга содда-лаштирилган талаблар тўғрисидаги низоми бир ой мuddатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда: амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин; идоравий норматив ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юқласин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2003 йил 5 август

**XVI сағоси**  
Барча маълумлардан олдинг сўйиги хабарлар

#### Мамлакатимизда

- Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Самарқандга ташриф буюрди. Вилоят ҳокимлигида ўтказилган фаоллар йиғилишида мамлакатимиз раҳбари сўзга чиқиб вилоятда амалга оширилаётган ислохотлар натижалари, мавжуд муаммолар ҳамда уларни ечиш йўллари ҳақида гапирди.
- Кеча Олий Мажлисда «Лизинг — кичик ва ўрта тадбиркорликни молиялаш воситаси» мавзусида бўлиб ўтган йиғилишда молиявий ресурслар танқислиги, лизингга берувчи билан олувчи ўртасида келиб чиқибган низолашнинг сабаблари муҳокама қилинди.
- Бобур номидаги Андижон мусикали драма театрида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» широри остида дўстлик фестивали ташкил этилди.
- Кеча республика Бадий академиясида ҳазорасплик расмлар асарларининг «Устоз ва шогирд» деб номланган кўргазмаси очилди. Кўргазмадан ҳайкалтарош расм со Бахтиёр Рўзиматов ва унинг шогирдлари асарлари ўрин олган.
- Жиззах туманидаги Ровот ҳамда Зоминдаги Кўнғирдаги қишлоқларида мактаблар қурилиши учун вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси 165 миллион сўм мабла сарфлади, шунингдек мазкур билим даргоҳлари учун 33 миллион сўмлик жиҳозлар келтирилди.
- Немис халқ университетлари уюшмаси (DVV)нинг махсус грантини қўлга киритган Самарқанд шаҳридаги «4-Йўнгиққаариқ» маҳалласида «Маҳаллалар қошида катталар ўқуви» лойиҳаси тақдироти ўтказилди.

#### Жаҳонда

- Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги Фақуллода ва Мухтор элчиси Н.Юсупов Хитой Халқ Республикаси раиси, Хитой Коммунистик партияси бош котиби Ху Цзиньтаога ишонч ёрликларини топширди.
- Озарбайжон парламентининг мамлакатининг янги Бош вазирини тайинлаш юзасидан навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Бош вазир лавозимига Президент Хайдар Алиевнинг ўғли Илҳом Алиев сайланди.
- Исроил ҳукумати қамоқда сақланмаётган яна 400 нафар фаластинликнинг озодлиқа чиқарилишини маълум қилди.
- Афғонистон армияси вакиллари «Толибон» ҳаракатига дахлдорликда гумон қилинган 20 нафар кишини ҳибсга олди. Уларнинг 7 нафари дала қўмондонларидир.
- Испанияда ёзнинг ўта иссиқ келиши оқибатида 7 киши ҳаётдан кўз юмди.
- Ҳиндистоннинг Сурад шаҳридаги олмосни қайта ишлаш корхонасида юз бозгар кучли портлаш натижасида 19 киши ҳалок бўлди, 39 киши жароҳатланди.
- БМТ икки ҳафтадан буён уруш домига тортилган либерияликларга ёрдам тариқасида озик-овқатлар жўнатди.

#### Қисқа саҳналарда

- **БУГУН** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан «Бунёдкор» ёшлар телеклубида маҳалла ёшлари ўртасида шахмат-шашка мусобақаларининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.
- **РЕСПУБЛИКА** банклар ассоциациясида банклар ходимлари иштирокида қимматбаҳо қозғолар бозорини риивождантириш муаммолари ва бу борада банкларнинг роли масалалари бағишланган анжуман ўтказилди.
- **ТОШКЕНТ** вилоятининг Хондайлик қишлоғидаги «Нилуфар» оромгоҳида болалар оғир широклида бўлиб ўтган шахмат, шашка, футбол мусобақалари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Шайхонтоҳур туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.
- **БАДИЙ** академиялар марказий кўргазмалар залида «Миср: кеча ва бугун» мавзусида мисрлик расмлар томонидан яратилган асарлар кўргазмаси намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

### Экологик хавфсизлик йўлида ҳамкорлик

Пойтахтимизнинг Интерконтиненталь меҳмонхонасида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) мамлакатимиздаги вазоратхонаси ҳамда БМТ тараққиёт дастури ҳамкорлигида «Ўзбекистон: атраф-муҳит ва хавфсизлик» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда республикамиз вазирликлари, қўмиталар, илмий текшириш институтлари ҳамда нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Семинарда БМТ тараққиёт дастури, БМТ экология дастури ҳамда ЕХХТнинг «Атраф-муҳит ва хавфсизлик бўйича ташаббус. Хавф-хатарга қарши ҳамкорлик» деб номланган қўшма лойиҳаси муҳокама этилди. Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Атраф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш

масалалари қўмитаси раиси Қ.Жумабеков, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Р.Конрой ва бошқалар ҳозир жаҳонда хавфсизлик ва атраф-муҳит мусаффолиги масалалари бир-бирига узвий боғлиқ бўлиб қолганлигини таъкидлади. Чунки, атраф-муҳит мусаффолиги, экология хавфсизлиги эришмасдан туриб, давлатлар ва минтақалар, алақ оқибатда, дунё хавфсизлигини тўла таъминлаш мушкул.

«Атраф-муҳит ва хавфсизлик бўйича ташаббус» дастури вазирликлар ва давлат идоралари, жамоат ҳамда халқаро ташкилотлар ўртасида экологик хавф-хатарга қарши курашда ҳамкорликни кучайтиришни кўзда тутади. Шунингдек, атраф-муҳитни ҳимоя қилишдаги муҳим масалалар ҳамда мазкур йўл билан тинчлик ва барқарорликни тарғиб этиш борасидаги ҳамкорлик учун асос яратди. (ЎзА).

## Иқтисодиёт

### Кенг қўламли техник жараён

Тошкент телевизион миносрасида техникавий жараёнлари янада такомиллаштириш мақсадида туб таъмирлаш ишлари олиб борилди. Радиоэштириш ва телевизион кўрсатувлар сифатини ошириш, мижозлар учун катта қулайликлар яратиш йўлида кўрилган бу йирик техникавий тадбиринг амалга оширишда «Ўзбектелеком» хиссадорлик компанияси мутахассислари самарали изландилар.

Ана шу реконструкция ишларини рўёбга чиқариш учун 250 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди. Натижада радиоэштириш ва телевизион тизимини ривожлантириш лойиҳаси татбиқ этилди. Шунингдек, бу жараённи компьютерлаш ва ахборот технологияларини амалиётга жорий этишга эришилди.

Алоқа корхоналари фаолиятини янада яхшилаш йўлида компания яна қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.

### «Альфа» аппарати ўрнатилди

Ер ости темирйўли қасрида бирон техник жараён йўқки, электр қувватисиз ишласин. Шу сабабли ҳам Тошкент метрополитенида алоҳида электр таъминоти хизмати йўлга қўйилган.

Метронинг барча тармоқларини электр билан узлуксиз таъминлаб турадиган бу хизмат туфайли катта иқтисодий самарадорликка эришилмоқда. Электр қувватидан тежамкорлик билан фойдаланиш натижасида ҳам қўллаб маблағ иқтисод қилинмоқда.

«Альфа» русумли электр хисоблагичлар ўрнатилиши ҳам айна муддао бўлди. Жаҳон андозаларига тўла жавоб берувчи бу хил мосламалар туфайли метро йилига 8 миллион сўмлик энергияни тежаб қолишга эришмоқда.

Айна вақтда ёритиш ускуналарини тармоқларини гурухлаш усули қўлланилмоқда. Бу эса электр қуввати сарфини анча камайтиришга имкон бермоқда.

### Техника

#### Ижодкорлиги самараси

Тошкент метрополитени цех ва участкаларида техника ижодкорлиги кенг йўлга қўйилмоқда. Метронинг «Чилонзор» депосида амалга оширилаётган техника янгилликлари ҳам катта иқтисодий самара бермоқда.

Шуниси эътиборга сазоворки, бундай ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракатида ерости темир йўлида кўп йиллардан бери ишлаб келаётган кекса мутахассислар ҳам фаоллик кўрсатишмоқда.

Бу жамоага кўп йил раҳбарлик қилиб, метро хизматини кенг йўлга қўйишга ўз хиссасини қўшган Шоиноъ Шобудраҳимовнинг бунга мисол қилиб кўрсатиши мумкин. Метрочилар устози тормоз колодкалари учун материаллар тайёрлашининг янги технологиясини ишлаб чиқишга ўзининг қимматли таклифларини киритди.

Ана шу техника ижодкорлиги туфайли деярли тўрт миллион сўмлик иқтисодий фойда кўрилди.

Акбар АЛИЕВ

### ТАРАДДУД

# ДИЛЛАРНИ НУРАФШОН ЭТАДИ



Энг азиз, энг улуг шодиёна саналган Мустақиллигимиз тантаналарини нишонлашга ҳам санокли кунлар қолди. Байрам арафасида юртимизда ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари ҳар йилгидан кўра авжида. Айна пайтда Мустақиллик майдонида байрамга тайёргарлик ишлари қизгин давом этмоқда.

Ҳар йили ўзгача тарзда безатиладиган ушбу маскан кўркидан, чиройидан томо-




шабинлар, иштирокчиларнинг кўнгиллари яйрайди. Кўриб кўз қувнайдиган «Мустақиллик» сахна мажмуаси, минглаб рангли лампочкалар орқали акс этган тури хил шакллар, орқа сахна бе-

загидан ўрин олган аjoyиб тасвирлар кишини завқлантирмай қолмайди. Мана шундай гўзалликни яратишда тинмай меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг хизматлари эса албатта эътиборга лойиқ.

Айна пайтда майдондаги бунёдкорлик ишларида бош пудратчи ҳисобланган «12-трест» хиссадорлик жамиятининг 2-механизациялашган кўчма колоннаси курувчилари орқа ва марказий сахна беазаги учун минбарлар қуриш устида ишлашмоқда.

— Бригадамиз аъзолари майдонга зиналар қуриш, ташқи чиқси зиналарини қайта таъмирлаш ишлари билан банд, — дейди бригада бошлиғи Исҳоқ Исмоилов. — Шунингдек, қурилиш-тиклаш ишларини бажаришда ёрдамчи пудратчилар билан ҳамкорликда ишлаймиз.

Мустақиллик майдонидаги бунёдкорлик ва ободон-



лаштириш ишларида уларга ёрдамчи пудратчилар — Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасининг ишчи-хизматчилари, «Тошшаҳарнур», «Технолог» акциядорлик жамияти ходимлари яқиндан ёрдам беришмоқда.

Майдон кўркига-кўрк бағишлаган ранг-баранг гуллари экиш ва парвариш қилишда Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси ходимларининг хизматлари каттадир. Шунингдек, байрам кунини турли хил лампочкалардан пайдо бўладиган қадимий шаҳарларимиз, боғларимиз, во-

дилларимизни ўзига хос акс эттиришда эса «Тошшаҳарнур» ташкилоти хизматчиларининг ишлари аҳамиятли. Байрам кунини майдонга ташриф буюрган томошабинлар санъаткор, ҳатто хоржилик меҳмонларнинг ҳам бу ердаги меҳнат маҳсули — гўзаллик, қулайлик ва нурафшонликдан диллари равшан бўлиши шубҳасиздир.

**Орузгул РУСТАМОВА СУРАТЛАРДА:** Мустақиллик майдонидаги ишлар айна қизгин паллага кирган.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар



## Яна бир ўзбек корхонасига сифат соврини

Аввал хабар берганимиздек, Нью-Йоркда машҳур BID (Business Initiative Directors) компанияси томонидан ташкил этилган юқори сифат учун Халқаро соврин голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтган эди. Нуфузли халқаро BID ташкилотининг совринлари Ўзбекистоннинг Навоий тоғ-кон металлургия комбинати (олтин номинацияда) ва INTER MICRO (платина номинацияда) компаниясига тантанали топширилганди.

Мадридда жойлашган BID халқаро ташкилотининг штаб-квартирасидан яна бир хушхабар, Ўзбекистондаги «Лак Колор синтез» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси (олтин номинацияда) BID совринига муносиб топилди.

— Халқаро сифат совринини олиш корхонамиз ва ходимларининг сифат жиҳатдан баркамолликка интилишини тасдиқлайди ҳамда мижозлар эҳтиёжини қондиришда уларга куч бағишлайди, — дейди Мадриддаги BID халқаро ташкилотининг сифат бўйича директори Альфонсо Касале «Лак Колор синтез» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасига йўллаган табрик мактубида.

Мамлакатимиз мустақиллигининг эълон қилинган илк давридан бошлаб, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири халқаро бозорда рақобатбардош юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар яратишга интилиш бўлди. Шу муносабатда, Ўзбекистон корхоналарига нуфузли халқаро мукофотларнинг берилиши мамлакатимизнинг дастлабки иқтисодий сиёсатининг бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларига берилаётганлигининг тасдиғидир.

«Жаҳон» АА

Ўзэкспомарказнинг 4-5 павильонида Эрон Ислон Республикасининг ихтисослаштирилган махсус кўргазмаси очилди. Кўргазмада чинни буюмлар, қурилиш жиҳозлари, доривор ўсимликлар, қишлоқ хўжалиги, озик-овқат саноати технологиялари ҳамда автомобилсозликка оид элликдан ортиқ корхона маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

## Ҳамкорлик қирралари кенгайверади

— Шаҳрингизда илк мартаба бўлишим, -деди «Руғана Фараянде Хорасан» корхонаси раҳбари Мухаммад Ризо Шариат Жаъфари «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Корхонамиз йигирма йилдан буён жаҳон андозаларига мос келадиган «Нозбону», «Дая», «Восток» номидаги тозаланган ёғ маҳсулотларини ишлаб чиқаради ва қадоқлайди. Корхонадаги минг нафар ишчи Германия ва Швейцариядан келтирилган дастгоҳларда ишлаб, кунига 400 тонна кунгабоқар, кунжут ва соядан маҳсулот ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларимиз Германиянинг ISO 9001:2000 Rwtuv сифат сертификатига эга. Утган йили стандарт ва изланиш бошқармаси томонидан корхонамиз намуна сифат кўрсаткичига эга деб топилди.

— Инсон саломатлиги кўп жиҳатдан кундалик истеъмолга боғлиқдир, — деди

Shadgol neyshabur CO. корхонаси раҳбари Амир Имомийён. — Биз ҳам юқори сифатли, яъни холестеринсиз ёғ маҳсулоти ишлаб чиқарамиз. Маҳсулотларимиз «Мира», «Мина» ва «Уна» номи билан Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Ўзбекистон аҳолиси ўртасида яхши таниш. Утган йили корхонамиз икки миллион АҚШ доллари атрофида маҳсулот сотиб намунали экспортчи деган номга сазовор бўлди.

— Бизнинг «Жаҳон Афрўз» корхонамиз ўндан ортиқ русумдаги печка ҳамда соватадиган ва иситиладиган кондиционерлар ишлаб чиқаради, -деди корхона масъули Карим Бетул Омон. — Корхонамиз Туркия, Италия, Озарбайжон, Дубайда ўз дистрибуторларига эга. Мазкур кўргазма ўзбек тадбиркор ва ишбилармонлари билан алоқа ўрнатилишида янада кўп келади.

«Туркистон -пресс»

**Санъат**

**Ёруғ юз билан**

Марказий Осиё республикалари театрлари фестивали бу сафар Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб ўтди. Бу катта ижодий кўриқда ўзбекистонлик саҳна усталари ҳам фаол иштирок этдилар.

Охунбобоев номидаги республика Ёш томошабинлар театри тақдим этган «Турна патлари» деб номланган постановка эса фестивал томоша дастуридан муносиб ўрин олди. Эртак-спектакл кўринишида кўрсатилган мазкур саҳна асари ўзининг қатор режиссура жиҳатлари билан ҳам томошабинларга манзур бўлди. Бунда режиссёр Олимжон Салимовнинг ижодий изланишлари катта эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

«Турна патлари» постановкаси энг яхши спектакль деб баҳоланди.

**Атоқли бастакор ҳақида тўпلام**

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри «Бритиш Американ Тобако — Ўзбекистон» қўшма корхонаси билан яқин алоқа боғлаб келмоқда. Ана шу ҳамкорлик жараёнида санъат кошонасида қатор янги спектакллар саҳна юзини кўрмоқда.

Таниқли бастакор Сулаймон Юдаковнинг «Майсаранинг иши» операсини постановка қилишда ҳам қўшма корхона кўмаги катта бўлди. Корхона яна бир хайрли ишни қўллаб-қувватлади. Бу сафар корхона бу атоқли композитор ҳақида ёзилган китобни чоп этишга молиявий ёрдам кўрсади.

«Сулаймон Юдаков замондошлари эсдаликларида» деб номланган мазкур тўплами театرنинг директори, санъатшунос Бахтиёр Ёқубов ўзининг кўп йиллик кузатишлари асосида тайёрлади.

**Муסיқа санъати байрами**

Швейцария ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги Ўзбекистонда миллий маданиятларини тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш билан ҳам шуғулланиб келмоқда. Ўзбекистонда ўтиш даврида маданиятларни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида санъат фестиваллари, баддий кечалар ҳам ўтказилмоқда.

Шу йилнинг кузида республика миёнада уюштирилган уйғур муסיқа санъати байрам концертига ҳам қизгин ҳозирлик кўрилмақда. Халқлар дўстлиги намоёнишига айланган бу маданий тадбир олдида қизиқарли тўплам ҳам босмага тайёрланди.

«Уйғур анъанавий муסיқаси» деб номланган ушбу китобнинг юзага келишида Швейцария агентлиги ҳомийлик қилди. Ана шу байрам концертида мазкур китобнинг тақдими ҳам бўлади.

Анвар ВАЛИЕВ



**Истиқлол тароналари**  
**ОНА ЮРТ ИЛҲОМЛАРИ**

Бу — кўнгил оқшоми, фол, роми йўқдир.

Ҳеч юртнинг бу юртдай оқшоми йўқдир!



Сирожиiddин Саййид бугунги кунда шеърят майдо-нида ўзининг жўшқин, мазмунга бой, ёрқин мисралари билан ижодкорлар орасида танилган қалам соҳибларидан саналади. Унинг шеърларини ўқиган киши ҳаётнинг наъшу намосини, бахтиёр севги, муҳаббат вассфини, она-Ватанга меҳр-садоқат туйғусини, шунингдек турмушнинг аччиқ қисматларини ёниқ дард билан ёрқин ифода этилганига гувоҳ бўлади. Сирожиiddин Саййиднинг «Рухим харитаси», «Севги мамлақати», «Асрагил», «Эгаси бор юрт», «Ватан абадий», «Устимиздан ўтган ойлар» сингари қатор шеърини тўпلامлари шеърят ихлосмандлари кўлига бориб етган. Куйида шоирнинг янги шеърларидан намуналар ўқийсиз.

**Ватан десам...**

Бу диёрнинг айвонлари нурга таловш,  
Бу диёрнинг кайвониси ою кўёш.  
Ватан десам кўзимда ёш,  
Юзимда ёш,  
Кўзга суртай ноиларини,  
Ноиларини.

Тирикликнинг заҳматлари,  
Тақдирлари,  
Ҳаётининг бор ҳикмат  
Ҳам тадбирлари,  
Эй, онамнинг тупроққина  
Тандирлари,  
Иситгансиз жонларини,  
Жонларини.

Ким Ватанни зар тўнига  
Енг этмишидир,  
Ким бағрини осмонлардай  
Кенг этмишидир.  
Яратганининг ўзи бугун тенг  
Этмишидир,  
Асрларга онларини, онларини.

Бир суворий келмоқдадир —  
Бобурми ё?  
Ҳиротми ё, Ҳиндистонми ёки Кўнё,  
Кўриб келди, бундан сўнг ҳам  
Кўрсан дунё,  
Султонлари, хонларини, хонларини.

Бу диёрнинг айвонлари нурга таловш,  
Бу диёрнинг кайвониси ою кўёш,  
Ватан десам кўзимда ёш,  
Юзимда ёш,  
Кўзга суртай ноиларини,  
Ноиларини.

Нечун ўтмоқ ҳасад экиб умрларга,  
Дилни ўраб ғараз, риё —  
Кўмирларга?  
Ҳавас қилиб яшанг улуғ  
Темурларга,  
Эл билгайдир шонларини,  
Шонларини.

Шабнам-шабнам тонларда  
Жайронларга айланган,  
Онанг сувлар сепганда  
Райхонларга айланган,  
Бир кечада соғинчинг  
Осмонларга айланган,  
Соғинчларингдай зангор  
Осмонлари Ватандир.

Дерлар хусну малоҳат  
Вафо қилмас, арир у.  
Сен ёр десанг, тушдаги  
Лайлоларга арзир у,  
Ҳарирдан ҳам ҳарир  
Паридан ҳам парирў,  
Сойларга соя солган  
Мужгонлари Ватандир.  
Бешиқларда уйнаган  
Опоқ-опоқ қўлчалар,

Кўзmunчоққа сўйлаган  
Кўзmunчоқдай кўзчалар,  
Очилган гул-гунчалар,  
Қанду асал қулчалар,  
Момоларинг тўй қилган  
Айвонлари Ватандир.

Отанг солган уйлар бу —  
Синчлари — бардошларга,  
Токлари ўхшаб кетар  
Мўйсафид элдошларга,  
Томлар узра чўзилиб  
Кўклар, ой, кўёшларга.  
Узум узатиб турган  
Нарвонлари Ватандир.

Бир йиғитга оламда  
Ҳам ёру ҳам ор керак,  
Номуси баланд эрга  
На сўз, на гуфтор керак,  
Фарзандлари улғайса  
Шерюрак, арслонюрак,  
Элининг ҳар они, даври  
Давронлари Ватандир.

Оллоҳ ўзи бугдойинг —  
Тиллоларга еткизгай,  
Қабоғиннинг остидан  
Балоларни кеткизгай.  
Оқсарою Кўксарой  
Дунёларга еткизгай.  
Ор-номусдан яралган  
Кўргонлари Ватандир.

**Ёмғирлар ва кўзёшлар**

Йилларга ҳам ёмғир ёғар,  
Умримизга ўхшар боғлар.  
Ҳижрон бўлиб қолар тоғлар,  
Дилларга ҳам ёмғир ёғар.

Баҳорийми, кузгимизми —  
Биз излаймиз севгимизни.  
Бу ёмғирлар раҳм қилмай  
Ювиб кетар изимизни.

Ойларимиз сўлгин-сўлгин,  
Сингилларга айландилар.  
Юзимиздан оққан селлар  
Кўнгилларга айландилар.

Соғинч қоплар хонамизни,  
Уйлаб ёлғиз жонимизни,  
Биз қолдириб кетгайдирмиз,  
Ёмғирларга онамизни.

Оқ бўйинли танноз дунё,  
Уйнар тилло занжирлари.  
Кимни кутар ёмғирларда  
Она уйининг тандирлари?

Биз орзу ҳам армонларнинг  
Ёқаларин кўтаргаймиз.  
Толе бир кун ёр бўлса гар  
Ёмғирларда кўкаргаймиз.

**Ҳаёт кўшиғи**

Кимлар алвон кийдилар,  
Кимлар армон кийдилар.  
Кимда бору кимлар зор,  
Буни ҳаёт дейдилар.

Кимлар гул деб суйдилар,  
Кимлар тушга йўйдилар.  
Оқу қора ранглари,  
Буни ҳаёт дейдилар.

Кимлар ёнмай куйдилар,  
Кимлар қонмай тўйдилар.  
Ким бемору ким безор,  
Буни ҳаёт дейдилар.

Гулларини жийдилар,  
Кўз ёшинга чайдилар.  
Бунча азиз ислари,  
Буни ҳаёт дейдилар.

Қанду новвот дейдилар,  
Лек ичларин ейдилар.  
Кўролмайин ким-кимни,  
Буни ҳаёт дейдилар.

Яна эсиб келдилар,  
Шамолларинг — дайдилар.  
Кимлар бору кимлар йўқ,  
Буни ҳаёт дейдилар.

Бўлса ҳамки бедиллар,  
Баланд яшанг, эй диллар!  
Қанотлари қайрилмас,  
Буни ҳаёт дейдилар.

**Муҳаббат кошонаси**

Муҳаббатни ташлаб кетманг  
Боғларга,  
Эрмак бўлар, хор бўлар у зоғларга.

Азал гўзал нишонаси бир гулдир,  
Муҳаббатнинг кошонаси кўнгилдир.

Марвариддай асраб юрса қиз уни,  
Хазонларга ташлаб кетманг  
Сиз уни.

Ҳаволардан ташлаб Момо Ҳаволар  
Юборгандир тонгда боди саболар.

Шабнамлардан олмиш рангу  
Атрини,  
Пайпоқларга тенг этмангиз  
Қадрини.

Азал ифор эшиқлари бор ҳаёт,  
Асал, бедор бешиқлари бор ҳаёт.

Диллар кейин етишмагай дилларга,  
Муҳаббатни ташлаб кетманг  
Йилларга.

Кўнгил шу деб кўз очур ҳам кўз юмур,  
Бутун умр, бори умр, бир умр.

Кўксингизда олиб ўтинг доғларни,  
Муҳаббатга ташлаб кетинг  
Боғларни.  
Сирожиiddин САЙЙИД

# Барчамизнинг фаоллигимиз лозим

Фуқаролик жамиятини қуришда олдимизга қўйлаётган вазибаларни бажариш учун албатта юқори савия ва кучли билимга эга бўлмоқ керак.

Мамлакатимизда адолатпарвар, демократик жамиятни қуришни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйган эканмиз, бу ўринда фуқароларнинг, айниқса келажагимиз қўлида бўладиган ёшларимизнинг сиёсий маданиятини ошириш ва сиёсий савдон бўлишларига эришиш даркор.

Мазкур институтлар бевосита инсонларга муҳофама этилаётган масалаларни тушунтириши ва тўлиқ, объектив ахборот бериб бориши жонзидир. Бу жараён кишилар сиёсий онгини ўстиришга хизмат қилади.

Демократик жамият ва сиёсий институтларнинг ривожланиши инсон ҳаёт фаолиятининг глобаллашуви жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, демократик жамият сиёсий маданиятининг таркиб топиши тегишли даражада сиёсий онг асосида рўй беради.

Шунингдек, демократик жамият ривожланиши борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ҳудудларида яшашган аҳолининг сиёсий онги ва маданиятини юқори даражада шакллантириш учун катта ишларни амалга оширишлари керак.

Бунинг учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида аҳолининг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи марказ ташкил этиш зарур.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маъини янада кучайтириш, ўзига мос таълим-тарбия ўчоғига айлантира бориш жуда муҳимдир. Чунки улар айниқса, ёшларнинг сиёсий, маданий, иқтисодий

Дилором Дўстмухамедова

Дилором Дўстмухамедова

Дилором Дўстмухамедова

# «Ов»и юришмаган дўстлар

• ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Анчадан буён мактабга бормай қўйган Валентин дўсти Аброр билан келишиб ресторанда учрашиши беллаб олишди. Дўстларнинг ширин сўхбати давомида Валентин уртоғига: «Мен каттагина режани амалга оширишни кўзлаб турибман, биринчисини эсон-омин қўлга киритсам, иккинчисини ҳам ҳеч гап эмас», — деб мақсадини тушунтирди. Аброр эса бу ишга ҳеч иккиланмасдан рози бўлди. Валентин ўзи режалаштирган «операцияни» Аброрга обдон тушунтирди.

хил турдаги бошқа товарларни олиб жуфтаникни ростлашди. Дукон эгаси Дониёр акага тегишли бўлган ўғирланган жами мол-мулкнинг қиймати 1 миллион 188 минг 175 сўмни ташкил қиларди.

Катта суммадаги пулни «арра» қилиб нафси қонмаган дўстлар иккинчи ўлжани ҳам

қўлга киритишни режалаштиришди. Аммо бу сафар Аброрнинг якка ўзи йўлга отланди. Чунки Валентиннинг биринчи «ов»да қўли шикастланган эди.

Аброр биринчи «операция»да қўлдан усулини наватлаганига ҳам ишлатди. У яна Яқкасарой туманидаги «Ал-Азиз»

Саъжар ОБИДОВ



## Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар билан бирга суд тизимида демократия талабларига мос равишда ўзгаришлар татбиқ этилиб, мустақил судлар ташкил топди.

Маълумки, суд ҳокимияти Конституция ва қонуларда белгиланган ваколатлари доирасида мустақил суд ҳокимияти сифатида шаклланди.

Хуқуқий-демократик давлатда суднинг ўрни ва аҳамияти кескин ошди, яъни суд фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячисига айланди. Истиқлолимизнинг илк кунларидан буён давом этаётган суд-хуқуқ ислохотларига Асосий Қонунимиз — Конституцияда таъминлаш қўйилди.

Ҳар бир инсон, мабодо унинг Конституция ёки қонун бериб қўйган асосий ҳуқуқлари бузилгудек бўлса, судлар томонидан ўз ҳуқуқларини тиклаш имконига эгадир. Бу ҳолат мамлакат Конституциясида ўз аксини топди.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти ҳокимият тизимининг алоҳида тармоғи ҳисобланади, у Конституцияга асосан (106-модда) қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирикмаларидан ҳолис равишда мустақил фаолият юритади. Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган бу қонда ҳуқуқий давлатнинг муҳим шартларидан биридир.

Суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ қилиш ва чуқурлаштириш, суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида қўриб чиқишнинг таъмин-

## ОДИЛ СУДЛОВ — БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

лаш, фуқароларнинг шахсий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ҳамда судларнинг ихтисослашувини амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 август кунин «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Ўшбу Фармонга биноан 2001 йил 1 январдан умумий юрисдикция судлари негизда республикада фуқаролик ишлари бўйича судлар тизими ўз фаолиятини бошлади.

Суд-хуқуқ соҳасини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида тарих нуқтан назаридан қараганда жуда қисқа муддат ичида жиддий қадамлар ташланди. 1995 йилнинг охирига келиб, асосий қонунлар ҳисобланмиш «Судлар тўғрисида», «Прокуратура тўғрисида», «Конституциявий суд тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ЖПК, ФПК, ХПК ва янги демократик суд-хуқуқ тизимининг пойдевори бўлган бошқа бир қатор қонунлар қабул қилинди. Худди суд-хуқуқ ислохотининг бутун жараёнини амалга оширишда бўлгани каби янги ўта муҳим норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ишчил ва босқичма-босқич қабул қилинди.

Демократик ва адолатли фуқаролик жамияти қуришнинг асоси айнан суд-хуқуқ соҳасидаги илғимий ўзгаришларга боғлиқ эканлигини

Юртбошимиз кўп бор таъкидлаб ўтганлар. Хусусан, иккинчи чақирғи Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида давлатимиз раҳбарининг эътиборга молик таъкидлари қўйилганча: «Бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-хуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолияти сўзда эмас, амалда бўлмоғи зарур. Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолатдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар».

Хуқуқий-демократик давлатда асосан қонун давлатнинг пойдевори, жамиятнинг устуни, маънавий асоси ҳисобланади. Ҳар қандай давлатда чинакам демократик қонунларга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди.

Биринчи навбатда барча фуқароларнинг қонунларга қатъий, ғоирини олдидан турган муаммоларни аниқлаш, ислоҳ қилиш, ўшбу жараёнда суд тизимини бошқаришнинг ички тартибига мувофиқ келувчи тамойилларни белгилаш, тасвиқ қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини қайта қуришнинг аниқ ҳуқуқий ҳамда ташаббускорлик ва ижодкорликка ундаш, давлат ва миллат раънақи учун бош замин бўлади.

Қарор ва ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга ягона муассаса бўлган суднинг ҳар томонлама мустақил ва олийлиги жамиятда қонун устуворлигини ўрнатиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек ўта му-

ҳим вазифани бажаришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Биз одил судловни республикадаги барқарорликнинг кафолати, фуқароларнинг ҳаёт-тотулиги ва ҳамкорлигининг асоси, шунингдек, қонунлар устуворлигини далили сифатида амалга оширишимиз лозим. Шу боис суд ҳокимияти фақат ҳақиқий демократик қонунлар асосидагина бир меъёрга унумли фаолият кўрсатиши мумкин.

Одил суд ислоҳот жараёнида жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ёрдам беради. Шунингдек, самарали суд тизими демократик кадрятларни ҳимоя қилиш учун ҳам керак.


Бунинг учун суд ислохотлари йўналишини ишлаб чиқиш ва унга мос келадиган суд механизмни шакллантириш, қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалий фаолиятидаги қийинчиликларнинг очиқ эътирофи этиш, суд тизими олдидан турган муаммоларни аниқлаш, ислоҳ қилиш, ўшбу жараёнда суд тизимини бошқаришнинг ички тартибига мувофиқ келувчи тамойилларни белгилаш, тасвиқ қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини қайта қуришнинг аниқ ҳуқуқий ҳамда ташаббускорлик ва ижодкорликка ундаш, давлат ва миллат раънақи учун бош замин бўлади.

аввало уларни назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш, уларга ҳар томонлама ёндашиш ва илчил равишда амалда рўйбга чиқариш тақозо этилади.

Фикримизда, суд ҳуқуқ тизимини бундан буён ислоҳ қилишнинг моҳияти ва маъноси «Адолат қонунини оғиншмай рўёбга чиқариш» деган фойдан иборат бўлмоғи лозим. Айни мана шу ғоя суд-хуқуқ ислохотлари тамойилларини ўзигага, унинг руҳи ва моҳиятига айланиши, суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг бутун жараёнига дахл қилиб қолмай, балки жамият-давлат қурилишини бутунлай ислоҳ қилиш жараёнининг таркибий қисмига ҳам айланиши керак. Шу муносабат билан модернизациялаш қонуннинг шак-шубҳасиз устуворлиги қондасига қатъий риоя этган ҳолда амалга ошириш лозим. Бу эса суд-хуқуқ тизими нуқтаи назаридан олганда қуйида келтирилган муҳим масалаларни қонун йўли билан ҳал этишни тақозо қилади: Судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг суд орқали ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш доирасини кенгайтириш учун амалдаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиш мақсадида мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари судлар томонидан фақат қонунга итоат этган ҳолда, одилона ва холисона ҳал этилиши ва ҳимоя қилинишига, шубҳасиз ишонч қозонишига интилишимиз барчамизнинг вазифамиз деб ўйлайман.

Акрам УСМОНОВ, Фуқаролик суди судьяси.



Шаҳримиз маҳаллаларида тинчлик-хотиржамликнинг барқарор бўлиши, турли жиноятларнинг содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда милиция таянч пунктлари ва посбонлар ҳамкорлиги ўзининг яхши натижаларини бермоқда.

СУРАТЛАРДА: Сергели туманидаги 234-милиция таянч пункти ходимлари навбатдаги топшириқларни олмақдалар; катта лейтенант Темурхон Асқаров маҳалла посбонлари билан режалар ҳақида маслаҳатлашмоқда.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

## «Ўзингдан чиққан балога...»

Ёз бўлишига қарамай ҳаво салқин. Жавоҳир ишга ўзгача кайфият билан келди. Дўконда унинг ишлари юришиб қолган, унинг растасидан харидорлар ҳеч аримайди.

Жавоҳир нарсаларини тартибга солаётган пайтда кўчада қишқирқоч товуши эшитилди. Унинг этлари жунжикиб кетди, чунки бу овоз синглиси Василанинг овозига ўхшарди. Жавоҳир ҳамма нарсаларини ташлаб, кўчага отилиб чиқди ва овоз келган тарафга қараб югурди. Ҳайрият, синглиси эмас экан. Жавоҳирнинг кўнгли анча таскин топди, аммо кўз ёш тўкиб турган бу аёлга бефарқ қараб кетолмади. У чақочлик билан аёлнинг ёнига борди. Аёл нарсасини олиб қочган ўғри томонга нафрат билан қараб турарди. Жавоҳир беҳиётёр ўша томонга қаради ва бир йигитнинг

югуриб кетаётганлигини кўрди. Унга ўша йигит қандайдир таниш кўринди ва ҳеч ўйламай орқасидан изма-из борди.

Кўчада додлаган овозни эшитган, аммо чиқишига қўрққан қўшини аёл оз бўлса-да ёрдамим тегинди деган ниёда «02» га кўнғирок қилиб қўйган эди.

Жавоҳирнинг юрагига гулгула туша бошлади, чунки у йигит Миробод туманидаги Оқой кўчасига бурилди. Жавоҳирнинг ҳавонини асоссиз эмасди. Йигит унинг қўли билан аёлнинг қўли билан аёлнинг орқасидан етиб бориб уни елкасидан ушлаб ўзига қаратди.

### «02» ДЕРАЗАНИ СИНДИРИБ

Ҳеч қаерда ишламайдиган А. Шатуриун ўғирлик ниётида ҳаёлида ўзига режалар тузиб кетаётган эди. Кўча четидagi уларнинг бири унинг кўзига бошқароқ кўриниб кетди.

У уйга дераза ойнасининг панжарасини синдириб кирди. Кирган захотиёқ кўлга иланидиган дурустрок нарсани қидира бошлади. «ДЭУ» видеомагнитофони ва радиотелефонини олди ва уйдан чиқиб кетаётган чоғида нафс балоси уни шифақ томон бошлади. У ердан бир қанча қимматбаҳо кийим-кечакларни олгандан кейингина жуфтаникни ростлади. Уй бекаси келган вақтда дераза синган, ҳаммаёқ титилган ҳолатда эди. Жабрануовчи тезда ички ишлар ходимларига хабар қилди. Жиноятчи ушланиб қилмишига яраша жазосини олди.

### ҚАДИМИЙ, НОЁБ БУЮМЛАР

А. Алекеев анчадан буён ишсиз юрарди. Бир кун Сосновский исмли киши уни ўз уйига ишчи сифатида олиб келди.

матбаҳо, ноёб идиш-товуқлар ва қумушдан ясалган қошиқлар шақфада жило бериб турибди. Уй эгаси қайёққидир чиқиб кетган вақтдан фойдаланган жиноятчи қимматбаҳо буюмларини ўғирлаб кетади. Жабрануовчи келиб уйдagi аҳолини қўриб милиция ходимларини ёрдамга чақирди. Жиноятчи тез орада қўлга олинди.

### ДЕВОР ОША

Н. Воҳид хотини билан рўзгор камчиликлари юзасидан келиб чиққан жанжал натижасида уйдан жажл билан чиқиб кетди.

Унинг кўнглига ўша пайт шайтон гулгула солди. У Мирзаевнинг уйи деворидан ошиб тушиб 500 минг сўмлик уй-рўзгор буюмларини ўғирлаб кетди. Ушбу ҳолатдан хабар топган жабрануовчи ички ишлар ходимларини оголантирди. Тезкор тарзда амалга оширилган қидирув натижасида жиноятчи ушланиб рўзгор буюмлари эгасига қайтарилди.

Тошкент шаҳар ИНББ матбуот хизмати материаллари асосида Сарвар СОБИРОВ тайёрлади.

«Тошкент оқшоми»

ХУҚУҚИЙ  
МАСЛАХАТХОНАСИ**Қонунга ҳурмат ва  
итоаткорлик – ҳаёт мезони****(Қундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)****(Охири. Боши газетанинг ўтган сонларида)**

Яна шуни ҳам унутмаслик лозимки:

- Мерос қолдирувчи ҳаётлигида ҳомила ҳолида бўлиб, у вафот этганидан сўнг, яъни мерос очилганидан кейин тирик тутилган болалари, шунингдек фарзандликка олинган болалари ҳам қонун бўйича ворис бўладилар

- Хар қандай жисмоний ёки юридик шахс васият бўйича меросхўр бўлиши мумкин

- Меросхўр ўзининг ворисликка қақирилгани билан ёки биллиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой ичида меросдан воз кечишга ҳақли. Меросдан воз кечиш мерос очилган жойдаги нотариусга меросхўр томонидан ариза бериш орқали амалга оширилади. Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олинishi мумкин эмас

- Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка оид ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади

- Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан махрум қилишга, хар қандай мол-мулкни тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли

- Васиятнома бир томонлама битим бўлиб, мерос қолдирувчи томондан шахсан тузилиши лозим. Васиятноманинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди

- Ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилган васиятнома нотариал тасдиқланиши керак

- Қонунда белгиланган тартибда тузилмаган васиятнома ҳақиқий эмас. Васиятноманинг сир сақланиши қонун билан қўриқланади

- Қонун бўйича меросхўрлар ворисликка амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган навбат тартибда қақирилдилар

- Меросни тақсимлаш меросхўрларнинг келишувига кўра уларнинг ўзларига тегишли улушларга мувофиқ амалга оширилади, борди-ю келишувга эришилмаган бўлса, манфаатдор меросхўрнинг ёки меросхўрлардан исталган бири ёхуд бир нечасининг даъво аризасига асосан суд тартибда ҳал қилинади

**ХУЛОСА ЎРНИДА**

Халқимизнинг сеvimли адиби Уткир Ҳошимов бир китобида ўн олти яшар бола отаси билан эллик долларлик нарса юзасидан судлашиб ютиб чиқса, буни Америкада шунчаки демократия тантанаси дея эътибор ҳам беришмайди, бизда эса оқпадарликка йўядилар, деб ёзади.

Бу гап, гарчи замирида бирозгина киноя ва истеҳзо ётган бўлса-да, аслида хар қандай муносабат фақат қонун билан тартибга солиниши керак ва қонун олдида ҳамма, шу жумладан ота билан бола ҳам баробардир, деган ҳақиқатни эслатади.

Ҳамонки, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бораётган аканмиз, давлат органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлардан тортиб жамоат бирлашмаларига қадар, мансабдор шахслардан энг оддий фуқарога қадар – ҳаммининг биронта ҳам ҳаракати қонунга хилоф равишда амалга оширилиши мумкин эмас.

Зотан қонун ҳамма учун мажбурий ва хар биримиз қонунни ҳурмат қилишимиз, унга тўла итоат этишимиз шарт. Соҳибқирон Амир Темур қонун ҳукмрон бўлган жойда эркинлик ҳам бўлади, деган ўғитни худди бугунимиз учун айтгандек туюлади кўпинча.

Азиз китобхон, ҳуқуқий билим уммонидан кичиккина тортиқ тариқасида ҳукмингга ҳавола этилиши ушбу рисолада кундалик ҳаётда айрим ҳуқуқий муносабатларда учрайдиган масала ва муаммолар ечими имкон даражасида талқин қилинди. Китобча билан танишиб, кўнглинг бирозгина тўлмаган бўлса, бутун хаёлингни янги савол, янада чигалроқ муаммо ва жумбоқлар банд этган бўлса, билгинки, рисола сенга маъқул тушибди, муаллифлар эса ўз мақсад-муддаоларига эришибдилар. Демак, китобча сенда ва сен каби замондошларимизда ҳуқуқий билимни ошириш истагини жўш урдиришга хизмат қилаётир!

**Ўзбекистон - Европа Иттифоқи:  
Ҳамкорлик давом этмоқда**

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи (ЕИ) ўртасидаги ҳамкорликнинг кенгайиши давом этмоқда. 2002 йилнинг июль ойида Брюсселда алия, ички ишлар, боғжона ҳамкорлиги ва ушбу соҳага доир бўлган бошқа масалалар бўйича «Ўзбекистон - ЕИ» ёрдамчи қўмитасининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтган эди. Мазкур биринчи йиғилиш асосан танишув аҳамиятга эга бўлган бўлса, Тошкентда ўтказилган иккинчи йиғилиш эса муаммоларни муҳокама этишга аниқ ёндашув хусусияти билан ажралди туради.

ЕИ делегацияси ёрдамчи қўмитасининг бўлиб ўтган йи-

гилишини ЕИ ташқи алоқалар қўмитасининг Бош маъмурияти, шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалар бўлимининг бош маъмури Д.Гиалдер бошқарди.

Йиғилишда Германия, Франция давлатларининг элчилари, шунингдек Италиянинг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили қузатувчи сифатида иштирок этдилар.

Ёрдамчи қўмита йиғилишида уюшган жиноятчилик, миграция, боғжона, чегараларни бошқарув, суд тизими ва демократик бошқарув, террорчилик билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон томони ЕИ вакилларини мамлакатимизда ушбу соҳаларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот берди ҳамда ЕИ қўмағида амалга оширилаётган дастурларга баҳо берилди, муҳокама қилинаётган масалалар бўйича аниқ таклифлар киритилди.

Қўшма йиғилиш иштирокчилари мавжуд лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлиги, шунингдек келгусида гивандликка қарши кураш, боғжона ва бошқа шунга яқин соҳалардаги ҳамкорликни бундан бунг ҳам кенгайтириш зарурлиги қониқиш билан қайд этилди.

**Самарқандга зиёрат**

«Самарқандга бир назар ташланг, ахир у шаҳарлар маликаси эмасми?» Германиянинг Гессен ўлкаси «Дармштатер эхо» журналида Самарқанд тўғрисида босилган мақола таниқли ёзувчи Эдгар Понинг юқоридаги жумлалари билан бошланади.

лубдаги тарихий тор кўчалари, пастқам биноларини кўриб «Минг бир кеча» қиссасида тасвирланган машриқ дунёсига фарқ бўлгандай ҳиссиёт пайдо бўлади. Бу дунё Регистоннинг мовий гумбазлари, Биби-Хоним мажмуаси ҳамда Темур мақбараси ила янада жозибалироқ кўринади.

ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданияти дурдоналари сирасига киритилган ушбу ша-

ҳарда олиб борилган таъмирлаш ишлари унинг чиройига чирой қўшган. Албатта, Самарқанд ўзбеконга меҳмондўстлик шаҳри ҳамдир, қаерга борманг сизни азим чинорлар остидаги чойхонага таклиф қиладилар. Хуллас, агар Самарқандга бормоқчи бўлсангиз сафарингизни кечиктирманг. Сиз дунё маданиятининг ҳақиқий дурдонасини кўриб қайтасиз».

«Жаҳон» АА

**ТАЪЛИМ****Кўп нусхада  
Чоп этилди**

Дарсликларнинг янги авлодини яратиш республика дастури бўйича кўплаб ўқув адабиётлари босмага тайёрланмоқда. Умумтаълим мактабларининг 9-синф «Физика» ўқув қўлланмаси эса талаягина нусхада чоп этилди.

Янги ўқув йилига яхши совға бўлган мазкур қўлланма «Молекуллар физика ва термодинамика асослари», «Оптика», «Атом физикаси асослари», «Коинот тузилиши ҳақидаги тасаввурлар» номли физика дарсларининг методик ишланмаларидан иборат бундай нашр мамлакатимизда илк бор яратилди.

Ёзма назорат иши ўтказиш, рефератлар ҳимоя қилиш, тест асосида синов каби машқлар ҳам ўқувчилар билимини мухташамлашга хизмат қилади.

Янги ўқув қўлланмаси «Маънавият» нашриёти томонидан босиб чиқарилди.

Анвар ВАЛИЕВ



Бахтли ва фаровон оилаларга кўз тегмасин, илоҳим.

## ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ЎРТАСИДАГИ МУЛОҚОТ

Ҳиндистон пойтахтида бўлиб ўтган Дехли конференцияси "Цивилизациялар ўртасида мулоқот" — "Янги истиқболлар йўлидаги изланишлар" деб номланди. У "Дунё — бир оиладир" шиори остида ўтказилди.

Мазкур халқаро конференция Ҳиндистон ҳукуматининг Инсон ресурслари тараққиёти вазирлиги ҳамда ЮНЕСКО ҳамкорлигида ташкил этилди.

Дехли конференциясида дунёнинг 80 га яқин мамлакатларидан ташриф буюрган делегациялари, Дехлидаги дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари, ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг аъзолари қатнашди. Унда Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссиясининг масъул котиби А.Икромов ҳамда Тошкент Ислоҳ университетининг проректори А.Мансуровдан иборат мамлакатимиз делегацияси ҳам иштирок этди.

Конференциянинг очилиш маросимида Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Вахпаи, ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацура ҳамда Ҳиндистон ҳукумати Инсон ресурслари тараққиёти вазири Мурли Манохар Жоши иштирок этдилар ва нутқ сўзладилар.

Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Вахпаи ўз маърузасида бугунги кунда маданиятлараро, динлараро бундай мулоқотларнинг зарур эканлиги ҳақида тўхталар экан, ҳозирги даврда инсоният урушларсиз ва ўзвонликларсиз келажакни қандай яратиш мумкин, деган савол билан рўпара турганини ва бу саволга кечиктирмасдан аниқ-равшан жавоб топиш зарур эканлигини алоҳида таъкидлади.

Мазкур халқаро конференцияда асосий диққат-эътибор цивилизациялар ўртасида ўзаро бир-бирини тўғри тушуниш ва ўзаро ҳурмат муносабатини барқарорлаштириш масаласига қаратилди. Бу мақсадга эришиш йўлида халқаро мулоқотларнинг янги, замонавий йўл ва воситаларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ масалалар ўзаро фикр алмашувларнинг марказида бўлди.

Дехли конференциясида цивилизациялараро мулоқот бора-сида янги истиқболли йўналиш сифатида 3 жиҳатга устувор аҳамият берилди. Улар таълим-тарбия ва маданий хилма-хиллик умумбашарий мулоқотларнинг воситалари, фан ва технология, ижтимоий фанлар ҳамда ижтимоий билимларда цивилизациялар

ўртасида глобал бирлик ва ўзаро боғланганликнинг янги чегаралари, цивилизациялараро мулоқот замирида ётадиган этник ва маънавий қадриятлардан иборат йўналишлардир.

— Маълумки, 2000 йилнинг сентябрида Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО шафеълигида "Динлараро мулоқот ва тинчлик маданияти" халқаро конгресси бўлиб ўтган эди, — дейди Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссиясининг масъул котиби А.Икромов "Жаҳон" АА муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида. — Эътиборга молик жиҳати шундаки, мазкур конгресс инсоният қадриятлариаро мулоқотларни изчил йўлга туширишда муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги Дехли конференциясида бир неча бор тилга олинди. Худди ўша йили XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги ЮНЕСКО томонидан "Цивилизациялараро мулоқот ўн йиллиги" деб эълон қилинган эди.

Мазкур анжуман якунида тадбир иштирокчилари томонидан Дехли Декларацияси қабул қилинди.

"Жаҳон" АА

Дехли



Равон ва текис йўллар манзилгини ойдин қилади.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ДИҚҚАТ, АУКЦИОН! ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР !

Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг савдо ташкилотчиси «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси ким ошди савдоларини ўтказилади.

Ким ошди савдоларига

1. Хўжалик судининг қарорига асосан "Банкрот" деб эълон қилинган "Автогараж-ЎЗАСХН" корхонасига тегишли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Ким ошди савдолари 1 августдан 5 сентябрга қадар ҳафтанинг ҳар жума кунлари ўтказилади

№	Автотранспорт воситаси русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич нархи, (сўм)
1.	Иж-27151-01	1991й.	45 000
2.	Газ-5312	1991й.	140 000
3.	Газ-5205	1988й.	120 000
4.	Газ-5204	1984й.	97 500
5.	Газ Саз 3507	1987й.	110 000
6.	Зил 133	1987й.	120 000

II. Тугатилаётган «2-ихтисослашган механизация бошқармаси» ОАЖга қарашли мол-мулклар ва автотранспорт воситалари

Мазкур объектлар бўйича ким ошди савдолари 12 сентябрдан 31 октябрга қадар ҳафтанинг ҳар жума кунлари ўтказилади

1. Жами мол-мулклари ва автотранспорт воситалари	Бошланғич нархи 269612700 сўм ёки 277951 АҚШ долл.
--	--

Шу жумладан қуйидаги автотранспорт воситалари

1.	Минорали кран КБ 403153	1989й.	3 556 300
2.	Кран КС 4361 3001	1991й.	3 017 500
3.	Гусеницали кран РДК 25	1986й.	6 789 300
4.	Экскаватор ЭО 4321	1986й.	4 393 000
5.	Экскаватор ЭО 5124	1990й.	7 112 600
6.	МАЗ 5551	1992й.	2 594 700
7.	МАЗ 5551 06-97	1992й.	2 594 700
8.	ГАЗ 3307 06-91	1991й.	2 402 500
9.	МАЗ 5334	1989й.	2 765 900
10.	Ёнилғили тиркама 54-91	1989й.	686 400
11.	Газ 5201	1989й.	961 000
12.	Кўприкли кран А-10 ТУ	1990й.	4 530 700

**Манзилмиз:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а уй. Ариза ва гаров пуллари юқоридаги манзилда жойлашган «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси томонидан 2003 йил 5 августдан бошлаб қабул қилинади.

**Мурожаат учун телефонлар:** 133-23-40, 133-02-49

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ 2003-2004 ўқув йили учун ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ихтисослаштирилган компьютер технологиялари академик лицейига умумтаълим ва махсус мактабнинг 9-синф маълумотига эга бўлган ҳамда техника соҳасига қизиққан иқтидорли ўқувчилар аниқ ва табиий фанлар йўналиши бўйича танлов асосида қабул қилинади.

Академик лицейда математика, физика, информатика, кимё ва инглиз тили фанлари чуқур ўргатилади. Шу билан бирга «Компьютер графикаси» ва «Компьютер ва компьютер тармоқларини ишлатиш ва уларни дастурий таъминлаш» йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади.

Машғулотларни университет ва академик лицейнинг тажрибали профессор, доцент ва олий тоифали ўқитувчилари олиб борадилар.

Вилоят, туман олимпиадалари ғолиблари, халқаро олимпиада иштирокчилари академик лицейга танловсиз қабул қилинади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Вилоятдан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.

Хужжатлар 2003 йилнинг 15 августигача қабул қилинади.

**Манзилмиз:** Тошкент шаҳри,

**Талабалар шаҳарчаси, 53-уй**

**Телефонлар:** 46-69-02, 46-08-78, 118-88-61

**Мўлжал:** «Ёшлик» ҳокимияти

1992 йилда Мирзо Улуғбек туманидаги 208-мактаб томонидан Пақ Олег Юрьевич номига берилган АО № 040008 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Йўлдош Охунбобоев номли Республика тиббиёт коллежи педагогик жамоаси ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари **Ғани Ғафорович ТАСХОДЖАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон» акциядорлик компанияси раҳбарияти ва жамоаси бошқарув аппарати бош мутахассиси Азамат Юсуповга падари бузруквори

**Эркин ЮСУПОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганим  
Домо бўлур...

● Фазилат бўлмаган ерда фахр-шараф бўлмайди.  
● Бахтиёрлик осойишта қалбга эга бўлиш билан вужудга келади.  
● Дил оғритувчи бўлиш осон, аммо дилнавоз бўлиш хар кимнинг қўлидан келмайди.

● Инсон учун энг фойдали хол ўз қадрини ва ақлнинг даражасини билиб, шунга кўра иш олиб боришдир.

● Ҳасад танни қуйдиради ва қайғуни орттиради.

● Хар кимга хушмуомалали бўл, тилнинг азобидан мусибатлар туғилади.

ХИКОЯТ. Қадимги Эрон до-нишманди Бузуржмехр ўз ус-тозидан сўради:

— Дунёда энг яхши киши ким?

Устоз жавоб берди:

— Одамларга фойда етказ-ган киши.

Яна сўради:

— Қандай кишини сахий деб айтиш керак?

— Сахий одам эҳсон қил-ганига шодланади, пушаймон бўлмайди, — деб жавоб бер-ди устози.

БАЙТ:

**Бас, оний инсон атагил бериб,**

**Ким ишидир шукр ила сабру хаё.**

● Илм ҳеч йўқолмайдиган буюк хазина, ақл эса эскирмай-диган янги либосдир.

● Тўрт нарса тўрт нарсага обрў — одобга, шодлик — хо-тиржамликка, дўстлик — му-ҳаббатга, ақл — тажрибага му-тождир.

● Афлотун ҳақим айтади:

— Баданининг қуввати — ов-қат, ақлнинг қуввати эса ҳик-матли сўзлар, донолик ва до-нишмандликдир. Агар ақл шу-лардан махрум бўлиб қолса, овқатсизликдан бадан ҳалок бўлгани каби ҳалок бўлади.

● Машур олимлардан Абу Мансур ас Саолибий айтади:

— Мулоимлик дарахтини эккан киши, саломатлик мевасини теради. Қийналишдан кўриб, ўрганишни давом эт-тирмаган киши илмни эгаллай олмайди. Тўғри, ҳақ гапирган киши ҳаманинг ишончини қозонади. Душман билан яқинлашган кишидан унинг дўстлари қочадилар. Ишинг оқибатини ўйлаган киши фалокатлардан омон қолади.

БАЙТ:

**Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўқтамлик,**

**Ақлдан борлиғу, йўқлиғу камлик.**

● Айтар сўзи бўлмаган одам — гагдан тинмайди.

● Эзмалик ақли пастилк белгисидир.

● Бекорчи одамлар сергап бўладилар.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

тайёрлаган.

МЕРГАНЛАР БЕЛЛАШДИ

Пойтахтдаги «Динамо» спорт клубида жисмо-ний имкониятлари чекланган кишилар ўртаси-да пневматик тўппончадан отиш бўйича мусоба-калар бўлиб ўтди.

«Сокол» спорт секцияси ташкил этилганлигининг тўрт йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу турнир кизиқарли ва юқори натижаларга бой тарзда ўтди. Мусобакалардан олдин семинар ташкил этилганли-гини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Тўпланган очколар сарҳисоб қилинганда эса 173 очко жамғарган Алек-сандр Солдаткин голиб бўлди. 142 очкога эга Алек-сандр Свиридовга иккинчи ўрин насиб этган бўлса, 133 очко тўплаган Фарход Исмоилов учинчи соврин-ли ўринни эгаллади.

Голиб ва совриндорлар Фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз).

СУРАТДА: мусобакадан лавҳа. Алексей Попов олган сурат.



“ЎЗБЕКИСТОН: АТРОФ-МУҲИТ ВА ХАВФСИЗЛИК”

Пойтахтдаги “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги мар-кази ҳамкорлигида “Ўзбекистон: атроф муҳит ва хавфсизлик” мавзуда семинар ўтказилди.

— Муаммоларни бағараф қилишда асосий учта масала турибди, — деди анжуманда сўзга чиққан БМТнинг минтақа-вий вакили Ричард Конрой. — Бу Марказий Осиё минтақаси-даги атроф-муҳитга таъсир қилувчи нуқталар белгиланган янги харитани тузиш, уларни ўрганиш ва чуқур таҳлил этиб, зар-рарсизлантиришни йўлга қўйишдан иборат.

Анжуманда атроф-муҳит билан боғлиқ инсон ҳаётига та-ҳдид солаётган долзарб муаммоларнинг мамлакатимиздаги аҳо-ли ҳақида сўз борди. Мазкур муаммолар ҳам миллий, ҳам хал-қаро миқёсдаги муаммолар сирасига қиради. Табиатга ет-казилаётган зарар дунёнинг қайси бурчида содир этилмасин, унинг салбий оқибатлари битта давлат билан чегараланмайди. Теварак атрофимизнинг ифлосланиш даражаси, бора-бора миллий хавфсизлигимизга дахл қилмоқда. Оролнинг қуриши оқибатида қумли шамолларнинг вужудга келиши, ер майдон-ларининг шўрланиб бориши, ичимлик сувнинг яроқсизла-ниши каби муаммолар аллақачон халқимиз саломатлигига ўз таъсирини ўтказишга улгурди. Инсоннинг табиатга қилган ва қилаётган жиноятларининг олди олинмаса, оқибати ёмон бўлиши табиий.

— Айни пайтда экология муаммоси, янги молекуляр био-логия муаммоси каби ўта долзарб ҳисобланади, — деди “Эко-сан” халқаро жамғармаси раиси Ю.Шодиметов. — Кутилма-ганда янги минг йилликда мазкур муаммо бошқа муаммо-ларга нисбатан биринчи ўринга чиқмоқда. Бу муаммони ҳал этиш учун аввало ҳар биримиз атроф-муҳитга жиддий эъти-бор қаратмоғимиз лозим. Анжуманга ўз тақлифларимиз билан келдик. Назаримда, экологияни минтақавий сиёсат дара-жасига кўтариш вақти келди. Марказий Осиё ҳамкорлик таш-килоти ҳузурида экологик хавфсизлик қўмитаси тузилса, мин-тақалардаги атроф-муҳитга зарар келтираётган нуқталарга доир муаммолар давлатлар раҳбарлари учрашувда бевосита ўртага ташланиб, уларнинг олди олиншига ёрдам берарди.

“Туркистон-пресс”

Футбол Галаба билан бошлашди

КЕЧА

мамлакат XII миллий чемпионатининг 16-тур беллашув-лари билан иккинчи давра мусобақалари старт олди.

Сафарда «Дўстлик» жамоаси билан куч синашган «Пахтакор» футболчилари ҳужумкор, тезкор ўйин намойиш этиб ўз мух-лисларини шод эттишди. Учрашувни 6:1 ҳисобида ўз фойда-ларига ҳал қилган пойтахтликлар турнир жадвалида яна пеш-қадам бўлиб олишди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Бухоро» — «На-саф» 3:1, «Андижон» — «Кўкон —1912» 1:0, «Навбахор» — «Не-фтчи» 2:0, «Трактор» — «Самарқанд — Динамо» 0:1, «Метал-лург» — «Кизилқум» 1:2, «Машъал» — «Гулистон» 2:1, «Цемент-чи» — «Сурхон» 3:1.

Навбатдаги 17-тур баҳслари 10 августда ўтказилади. Анвар ЙЎЛЧИЕВ



— Бақирмасдан гапир хотин, бу ерда товуш чиқариш мумкин эмас.

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расм.

ТАБИАТ АЖОЙИБЛАРИ НАВИГАЦИЯ ВА БИОЛОГИК СОАТЛАР

Ҳайвотот оламининг кўпчилик вакиллари — балиқлар, қушлар ва ҳашаротлар вақт ва фазо-да бемалол мўлжал қила оладилар. Уларда «на-вигация» асбоблари аниқ ишлайди, улар йўлдан адашмайди, вақтни чалқаштирмайди.

Американинг Тинч океани қирғоқларида атеринка ном-ли балиқ яшайди. Бу жонивор тухум ташлаш учун сув тош-қини энг юқори поғонага кўта-рилганида қирғоққа сузиб ке-лади ва шу ерда бирорта чу-қурчага тухумини қўяди-да сўнгра денгиз тўлқинлари бил-ла қайтиб кетади. Навбатда-ги сув тошқинигача тухумдан чиққан балиқчалар уммон су-вида яшашга тайёр бўлади. Де-

мак атеринка кўпайиши учун барча шароитларга — фас-ларнинг алмашуви вақтини, ой фазосини, сув тошқини тақдорланиб туриш вақтини аниқловчи биологик соатлар-га эга.

Австралиядаги маълум тур лайлаклар қирғоқдан 50 чақир-ин ичкарига илм қурадилар. Улар ҳар куни денгизга озик-ланиш учун аниқ бир вақтни мўлжалга олиб келадилар,

маълумки сувнинг қайтиш (па-сайиш) вақти ўзгариб туради.

Биологик соатлар ташқи муҳитдан келадиган ахборот оқимини сезувчи тизимдир. Бундай ахборотларнинг асо-сий манбаларидан бири кос-мик ритм бўлиб, ер, қуёш, ойнинг фазолаги ҳаракат дав-рларига боғлиқ. Шунингдек барча организмлар ер курра-си магнит майдонининг ўзга-ришига ҳам жуда сезгирдилар.

Ташқи шароитга мосла-шиш учун юксак организмлар битта эмас, балки бир қанча биологик соатлар билан таъ-минланган бўлиб, булар тур-ли биологик ахборот манба-

ларини аниқлашга мўлжал-ланган. Жониворлар вақтни билиш билан бирга фазода мослашиш борасида ҳам ажайиб қобилиятга эгадилар.

Кўп қушлар ёз фаслини мўътадил иқлимий жойларда ўтказадилар, совуқ тушиши олдида иссиқ ўлкаларга ра-вона бўладилар. Баъзи бир қушлар курраи замин бўйлаб айланиб чиқади.

Дельфинлар уч километр наридаги балиқчининг қаерда турганини аниқлаб олади, улар жуда мукамал ультрату-вушли эколокаторларга эга.

Яхё ДАВЛАТОВ, биология фаълари доктори



Муассис: Тошкент шаҳар ҳоқимлиги

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажими — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4204 нусхада босилди. Қоғоз бирими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Навр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-қарам билан ўрнатилган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтамаъияга» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифоланди.

«Шарқ» нашриёт-матбуот ашъедорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.